

АССАЛОМ, «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба дам олиш кунлари мос равишда 2012 йил 31 декабрь душанба ва 2013 йил 2 январь чоршанба кунларига кўчирилсин;

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 декабрь.



— Бу кунларга кимлар етди, кимлар етолмади, болам. Озодлик, мустақилликнинг қадрини, қимматини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Мен бугун юз ёшдан ошиб, ҳар тонгда қўлларимни дуога очиб, бизларга шундай жаннатсифат тупроқни ато этган Яратган эгамга шукрона айтаман, — дейди Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги Гул маҳалласида яшаётган Нишоной ая Мақсудова.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан бу табарруқ онахон “Шухрат” медали билан тақдирланди. Беш фарзанд, 24 невар, 30 нафар эвара, қолаверса, маҳалланинг каттаю кичиги бугун Нишоной момонинг эртакнамо ҳикояларини эшитиш билан бирга, бугунги дориломон кунларни алқаб яшаётган асрлар тенгдошининг ҳикматли сўзларини дил дафтарларига ёзиб қўядилар.

Кириб келаётган 2013 — “Обод турмуш йили” арафасида Қуйи Чирчиқ туман ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Боирова (ўнгда), “Нуроний” жамғармасининг туман бўлими раиси Жолдибек Умировлар Нишоной аяни Янги йил байрами билан қутлагани келишиди.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Суратни Даврон АХМАД олган.



Холиджон КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан бизнинг соҳамизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор қаддимизни янада баландроқ кўтаришга, дунё билан бўйлашиб, янгидан-янги ютуқ ва муваффақиятлар сари интилишга ундайди. Ватанимиз тинч, халқимиз омон, ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин, осмонимиз мусаффо бўлсин. Мен ҳар куни, ҳар лаҳза чин юракдан бир тилакни қайта-қайта такрорлашни яхши кўраман: Кўзингизга нур бўлайин, азиз одамлар!

“ОБУНА — 2013”



“Оила ва жамият” газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176



"M&TVA—2012"

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шарқнинг маънавий дарвозаси саналган кўна ва ҳақиқат навқирон Тошкент яна бир нуфузли тантанга мезбонлик қилди. "Истиқлол" санъат саройида "Фонд Форум", "Муаллифлар ва ижрочилар гильдияси" томонидан мусиқа, телевидение, видеоарт ва кино йўналишларида анъанавий равишда еттинчи марта ўтказилаётган "M&TVA—2012" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дунё миқёсига мамлакатимизнинг ўзига хос бой маданий-маърифий мероси кўп бора эътироф қилинган. Ана шундай бойликларни асраб-авайлаш, уларни кенг миқёсда тарғиб этиш, ушбу йўналишда фаол ижод қилаётганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс эканлигини ушбу тантанани иштирок этганларнинг ҳар бири чин дилдан таъкидлади, десак муболага бўлмайди.

Танлов номзодлари ва

ғолиблари SMS ҳамда www.mtva.uz сайти орқали овоз бериш йўли билан аниқланди. Шунингдек, бу жараёнда нуфузли ҳайъат аъзоларининг фикрлари ҳам инобатга олинди. Умумий натижаларга кўра ғолиблар номи эълон қилинди.

«M&TVA—2012» танловида Ёлқин Тўйчиев "Йилнинг энг яхши режиссёри", Алишер Узоқов "Йилнинг энг яхши актери", Севара Солиева "Йилнинг энг яхши актрисаси", Жаҳонгир Фозилжонов "Йилнинг энг яхши эркак хонандаси", Райхон "Йилнинг энг яхши аёл хонандаси", Шухрат Зокиров "Йилнинг энг яхши бастакори", "Art—week/Style.uz—2012" ҳафталиги "Йил воқеаси" деб топилди. Бундан ташқари, яна бир қанча номинациялар бўйича ҳам совриндорлар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

ОМАД КАЛИТИ ҚЎЛИМИЗДА

— дейди Чирчиқ тиббиёт коллежи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Гулноз Ражабова

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимида "Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танлови юқунлиб, ғолиблар тақдирланди.

— Ушбу нуфузли танловда ғолиб чиқиш менга ҳам фахр, ҳам катта масъулият юқлайди, — дейди Гулноз Ражабова.

— Боиси, бу каби ўзига хос синовлар, биринчидан, бизнинг кўксимизни гурурга тўлдирса, иккинчидан, Ватан деган муқаддас гўшага муносиб фарзанд бўлишга даъват этади. Мен фаолият юритаётган Чирчиқ тиббиёт коллежиде айни чоғда 1388 нафар ўқувчи қизлар таҳсил олишмоқда. Биласиз, бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири, бу қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. Бунинг учун дастлаб илм даргоҳимизда таҳсил олаётган кам таъминланган, ноғирин ва нотинч

оилаларнинг фарзандларига ташкил этдик. Бу каби фойда-



ли ва мазмунли ишларимиздан отаналар ҳам хурсанд бўлишапти. Улар қизларидаги ижобий ўзгаришлар, жумладан, уй-рўзгор юмушларида фаоллашганларини кўриб бизга раҳмат айтишмоқда.

Аслида Гулнознинг ўзи туғилиб ўсган оила ҳам ибратли ва беш қиз, бир ўғилни вояга

жетказган хонадон аҳлига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Дастлаб Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаб, бир муддат шифокор бўлиб ишлаган қаҳрамонимиз кейинчалик болаликдаги орзуни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетиде ўқиб, ҳуқуқшунос мутахассислигини ҳам эгаллади. Бу эса айни пайтда ўзи фаолият юритаётган коллежда жуда асқотаяпти.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

"ЎЗБЕГИМ ЁШЛАРИ" ДАН БИРИ

Истеъдод



да. У бир вақтнинг ўзида ҳам замонавий, ҳам мумтоз кўшиқларни маромига етказиб ижро этишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Мухлислар унинг кўшиқларини ҳузурланиб тинглашмоқда. Азиздаги яна бир жиҳат шуки, у ўзбек халқ кўшиқлари билан бир қаторда туркман халқ кўшиқларини ҳам маҳорат билан ижро этиб келаёттир.

— Ўз кўшиқларим, мустақил репертурим, бир сўз билан айтганда, ўз йўлим бўлишини истайман, — дейди Азиз биз билан суҳбатда. — Бошқаларга тақлид қилиш билан, ўзгаларнинг кўшиқларини айтиш билан узоққа бориб бўлмаслигини англаб етаялман.

Бугун ёш хонанданинг репертурида йигирмага яқин кўшиқ бор. Унинг ижросидаги "Ноз-ноз", "Онажон", "Ўйнанг", "Фарғонада", "Ўзбек-туркман дўстиги" кўшиқлари мухлисларга манзур бўлмоқда.

"Ўзбегим ёшлари" гуруҳи аъзоларидан бири бўлган Азиз Эсонов санъат оламига катта масъулият, эҳтиром ва айни пайтда ишонч билан қараётган навқирон авлод вақили. У тенгдошлари билан Хитой, Франция, Италия ва бошқа қатор мамлакатларнинг нуфузли сахналарида ўзбек халқ кўшиқларини ижро этиб, хоржидан ҳам мухлислар орттирди.

Албатта, Азизда ўз-ўзидан мусиқага, кўшиқчилик санъатига иштиёқ, қизиқиш пайдо бўлган эмас. У гўдак чоғлариданоқ отаси санъат ва адабиёт муҳиб Давлат Эсоновнинг тарбиясини олди. Ёш хонанданинг онаси Ободон опа ҳам бу соҳага бегона эмас. Санъаткорлар оиласида камол топган Азиз бугун йигирма ёшдан ошяпти. Санъат йўли эса поёнсиздир. У ана шу йўлда ўз услуби, ўз овозини излаб кетаёттир.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
"Оила ва жамият" мухбири.
Сўрхондарё вилояти.

Кишлоғимизда Жўрақул бобо деган деҳқон тоғамиз бор. Кўп йиллар хўжалиқда кетмон чопиб, қора меҳнат қилган шу инсон ҳозир 80 ёшни қоралаб қолди. Мамлакатимизда фермерчиликка кенг йўл очилганида бобога каттагина боннасиб этди-ю, у киши ҳам бошқаларга ўхшаб, ер эгаси — мулкдорга айланди. Бундан қанчалик, бир замонлар ярим асрдан кўпроқ далада тер тўкиб, косаси оқармаган тоғамизнинг елкасига офтоб теғди.

— Президентимиз раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар меваси — бугун Ватанимиз тинч, халқимиз бахтли ва фаровон ҳаёт кечираяпти, — дейди Жўрақул бобо шукронга келтириб. — Масалан, бизнинг кишлоғимиздаги хонадонларга бир кирсангиз, шаҳардан ҳеч фарқи йўқ. Уй-жойлар замонавий услубда қурилган, томорқалар қишин-ёзин обод. Яна бир

Шукрона

жиҳати, авваллари саноклигина машина-улов бўларди одамларда. Ҳозир борида икки-учта, йўғида биттадан энгил автомашина бор. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати билан-да, тўғрими?

Энди яхши ҳалол ишлаган одам яшашини ўрганди, Ишонсизми, шу пайтгача эл-улус менга Жўрақул деб мурожаат қиларди, ҳозир эса Жўрақул бобо деб ҳурматини жойига қўйишди.

Дарвоқе, бундай саховатли, кўнгли дарё ва энг муҳими, яшаётган тўпроғи, кечаётган умрига шукрона айтаётган дуоғўй отахонлар юртимизда жуда кўп.

Файзулло МУҲАММАДИЕВ,
ўқитувчи.
Самарқанд вилояти
Каттакўрғон шаҳри.

ЭЛ РОЗИ БЎЛСИН!

Катта ҳудуд — пасту баландликлар, тоғли масканларни қамраб олган Сариосиё туманида почта-алоқа хизмати кўрсатишнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва масъулияти бор. Бу ҳақда туман почта-алоқа тармоғи бошлиғи Мусулмон Мусулмонов шундай дейди:

— Тармоғимизда 21 та алоқа бўлими бўлиб, қарийб 60 нафар ходим 7292 нафар пенсионер, 1166 нафар ижтимоий нафақа ва 1457 нафар компенсация олувчиларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хукуматимиз томонидан ажратилаётган қарийб икки миллиард сўм маблағни ҳар ойда ўз вақтида тарқатяпмиз. Бундан ташқари, масъул ходимларимиз ҳар ойда алоҳида бериладиган компенсациялар ҳисобидан 85-90 миллион сўм микдорда коммунал тўловларни ҳам йиғишмоқда. Тоғли ҳудудлардаги 11 та аҳоли масканига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган кўчма алоқа бўлими изчил ишлаб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни кириб келаётган 2013 — «Обод турмуш йили» билан чин дилдан табриқлаймиз.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ ёзиб олди.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, Тошкент вилояти туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, фаол

ва тадбиркор аёллар иштирок этди. Тадбирда 2013 йилда Зангиота тумани хотин-қизлар кўмитаси қошидаги маслаҳат маркази томонидан амалга оширилаётган, жумладан, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича баҳариландиган ишлар белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

Ободлик кўнгилдан бошланади, деган халқона ибора замирида ҳар бир инсоннинг бу дунёда амалга ошириши лозим бўлган ғоят масъулияти ва шарафли вазифалари мужассам, десак муболага бўлмайди. Шу маънода Президентимиз ташаббуси билан 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланганида ҳам улуг ҳикмат бор. Негаки, қаерда энг аввало, маънавий тозагириш, фарзандлар тарбиясига масъулият, оилалар мустақамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилса, шу ерда барқарорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлиши муқаррар.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузи ортиб бораётгани юксак минбарларда ҳам кўп бора эътироф

Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанини, ҳаётни улуғлаш демак-дир.

Ислом КАРИМОВ

этилоқда. Айниқса, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимида амалга оширилган хайрли ишлар хусусида алоҳида тўхталиш мумкин. Бугун ўтаётган йилни сарҳисоб қилар эканмиз, юртимизнинг турли қўнаралида умргузаронлик қилаётган ва эл орасида ўз меҳнати билан обрў гўзналаётган замондош хотин-қизларимиз ҳақида сўз юритмоқчи лозим топдик...

ОБОДЛИК ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Гулчеҳра ЕШНАЗАРОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатри:

— Тошкент тиббиёт педиатрия институтини тамомлаб, Беруний туманидаги болалар поликлиникасида кўп йиллар ҳудудий педиатр бўлиб ишладим. Бу муддат мен учун катта бир тажриба мактаби бўлди, десам арзийди. Албатта, бугунги кунда эришаётган ютуқларимда аввало, оила аъзоларимнинг, қолаверса, аҳил жамоамиздаги ҳамкасбларим Гулжаной Собирова ҳамда Роза Болтаева-ларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.

Биз тиббиётчиларнинг биринчи галдаги вазифамиз, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришдан иборат. Шунингдек, имконияти чекланган мактаб ёшидаги болаларнинг ўқишга лаёқати борларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда тиббий реабилитациядан ўтказиш, ўсмирлар ўртасида спортга бўлган қизиқишни кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз.



Бу йил режа асосида БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда 6 ойликдан 24 ойликкача бўлган болалардан 600 нафарини танлаб олиб, уларга спрингкс мултивитамини тарқатилди. Биз уларнинг ўсиш ва ривожланишини мунтазам кузатиб бораёламиз. Бу каби хайрли ишлар 2013 йилда ҳам узлуқсиз давом этади.

Ниятимиз, "Обод турмуш йили"да ҳам ҳар бир оиланинг ободлигини таъминлаш билан бирга, муқаддас бойлик — сиҳат-саломатлигини ҳам муҳофаза қилиш энг шарафли бурчимиздир!

Лола МУРОТОВА, Фарғона вилояти "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари:

— Минг шукрки, 2012 йил бизнинг фермер хўжалигимиз учун ҳам ҳар томонлама муваффақиятли келди. 420 гектар экин майдонидида пахта, галла ва сабзавот маҳсулотлари етиштириб, пахта ва галла топшириш шартнома режаларини ортиги билан бажардик. Даромадга яраша бурмад деганларидек, 21 тонна бугдойни хўжалигимиз аъзоларига тақсимлаб бердик.



Бир кам 90 ёшида оламдан ўтган отам раҳматли бугдой ўрими-йиғимига киришишдан аввал комбайнчиларга "Бу бошоқлар халқимизнинг насибаси. Унинг бир донасини ҳам ерга тўкиб увол қилманлар. Бизлар болалигимизда очлик, қаҳатчилик нималигини кўрганмиз. Сизлар Оллоҳ бераётган бу нёматларни асраб-авайланлар", деганлари ҳамон эсимда. Мен байрам баҳонасида ҳам ўз оиласида, ҳам жамият аъзолари орасида ҳалол меҳнат қилиб, бахтли яшаётган фермер аёлларни, қолаверса, мен учун отамдек қадрдон бўлиб қолган маслаҳатгўйимиз Эргашали ота Каримовни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин дилдан табриклайман.

Президентимиз ташаббуси билан "Обод турмуш йили" деб ном берилган 2013 йилдан умидимиз катта. Насиб этса, фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида четдан зотдор қорамоллар олиб келишни ҳам режалаштиряпмиз. Шу орқали сут, қатиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган, нон пиширадиган цехлар очмоқчиман.

Азиза МИРЗАЕВА, Бўка туманидаги "Бўка" маҳалласи маслаҳатчиси:

— Халқимизда қушнинг ҳам уяси бузилмасин, деган ажойиб нақл бор. Маҳалламизда истиқомат қилувчи Наргиза билан Дониёрнинг тўйлари бинойидек ўтгани ҳали-ҳали эсимда. Улар турмушлари даврида бир ўғил, бир қизли ҳам бўлишди. Келиннинг тагли-туғли оилада тарбияланганлиги, меҳнатсеварлиги-ю пазандаллиги кўни-кўшни, маҳалладошларнинг ҳам оғзига тушди. Аммо кўз тегдимми, хуллас, қутилмаганда эр-хотиннинг орасига совуқчилик тушди. Ажралишга ариза берган бу жуфтлик бир неча йил судга қатнади. Ҳар гал синов муҳлати берилганда икки норасида гўдак ота-оналари қўлида буюмдек алмаштирилди...

Шу йилнинг куз фасли бошида эр-хотинлар яна суддан қақриув қогози олишди. Наргиза ҳам, Дониёр ҳам суд залига киришларидан аввал фарзандлари билан юзлашишди. Эшитишимизча, ота-оналарининг муросага келмаётганидан бошлари эгилган фарзандлар уларнинг қулоқларига нимадир деб шивирлабди. Бу гап таъсир қилиб, эр-хотинлар бирдан йиғлаб юборишди. Наргиза эридан узр сўрабди. Бундан Дониёр ҳам инсофга келиб, хотинига илиқ муомала қилди.



Бу пайтда ўғиллари 14 ёшга, қизлари эса етти ёшга кириб қолганди. Хуллас, шу куни нафақат уларнинг оиласида, балки бутун маҳаллада ҳам байрам бўлиб кетди... Айни пайтда 512 та хўжалиқда истиқомат қилаётган 2282 нафар маҳалламиз аҳлининг аҳил-иноқлиги, тинч-тотувлигига ҳамнинг ҳаваси келади. Эътироф этиш кераки, "Мустақам оила йили"да юртимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. 2013 йил — "Обод турмуш йили"да бундан-да самарали ишларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Айтмоқчи, Наргиза ва Дониёрнинг фарзандлари ота-оналари қулоғига нима деб шивирлаганларини билмоқчимизми? Улар: "Ойижон, дадажон, ҳаммамиз бир уйда яшасак бўлмайдимми?", дейишган экан. Ҳа, баъзан биз катталарни ҳам тўғри йўлга солувчи кўпригимиз — фарзандларимиз доимо соғ-омон бўлишсин.

Шаҳодат САИДОВА, тadbиркор, Ангрэн шаҳри:

— Мустақиллик йилларида муқтарам Президентимизнинг кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик, айниқса, оилавий ишбилармонликка жуда катта имкониятлар яратиб берганликлари туфайли менга ўшаган хотин-қизлар учун фаолият доираси кенгайди. Бу қанчалаб оилалар, хонадонларга кут-барака, тўкинчилик олиб келганига гувоҳимиз.


Эсимда, айни болалик маҳалим отам дунёдан ўтиб қолиб, анча қийинчиликларни бошдан кечирганмиз. Албатта онам бечорарага саккиз фарзандни тарбиялаб вояга етказиш осон кечмаган. Мана, бугун ҳаммамиз ўзимиз танлаган касб-хўнарлар ортдан обрў топдик, бойидик. Бунинг учун энг аввало, фойдойи, меҳрибон волидаи муҳтарамамизга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Ушанда Янгийўлдаги билим юртида ўқиб, қандолатчилик хунарини эгаллаганим бугун жуда қўл келди.

Худога минг қатла шукрки, турмуш ўртоғим Абдуваҳоб ака билан 14 йилдирки, аҳил, иноқ турмуш кечириб келяпмиз. Фарзандларимиз Лочинбек ва Азизахонлар чин маънода ҳаётимиз мазмунига айланган, десам хато

бўлмайди. 2005 йилда Ангрэн шаҳри марказида "Азизахон-Лочинбек" хусусий тadbиркорлик корхонасини ташкил этгандик. Бир неча йил ичида фаолиятимизни изчил йўлга қўйганлигимиз натижасида ҳозир ўн хил турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрлашга эришдик. Эътиборли жиҳати, 14 киши иш билан таъминланди.



Насиб этса, "Обод турмуш йили"да ҳам режаларимиз катта. Янги иш ўринлари яратиш билан бирга, шахримиздаги кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож инсонларга баҳоли қудрат хайрига ёрдамлари беришни ният қилганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, энг аввало, оиламиз ҳамда жамоамиз номидан юртимиздаги барча хотин-қизларни Янги йил байрами билан самимий табриклайман!



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2013 йилнинг мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши бутун халқимиз ва кенг жамоатчилик тарафидан қизгин кутиб олинди.

"Ўзтелеком" компаниясининг ўқув биносида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан маъмур йўналишдаги давлат Дастурининг айрим бандларини шакллантиришда жамоатчилик фикрини инobatга олиш мақсадида видеомулукот ўтказилди. Мулуқотда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, салоҳиятли маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари, вазирлик, идора ва ташкилотлар масъуллари иштирок эттишди.

Видеомулукотни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан БМТнинг Ўзбекистон-

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:


даги Тараққиёт Дастурининг "Парламентни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилган "Гендер ривожланиш масалалари" мавзуйида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ушбу семинар-тренинг 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган, республикамиз томонидан 1995 йил 6 майда ратификация қилинган "Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги БМТ Конвенциясини ижро этиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги, сайлов ва бошқарув органларидаги иштироки, шунингдек, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида жинсларнинг тенг ҳуқуқлиги масалаларига бағишланди.

Семинар-тренингда Сенат аъзолари, республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, парламент палаталари девонларининг ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, етакчи экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди.

Саҳифани "Оила ва жамият" муҳбирлари Нигора РАҲМОНОВА ва Нигора УРОЛОВА тайёрлади.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:



✱ Ҳаётимни билмадим, лекин ижодимда ўзим учун катта бир ютуқни кўлга киритдим деб ўйлайман, яъни янги романи ёзиб тугалладим. Одатда, ёзувчи маълум бир асарни ниҳоялагандан сўнг, унинг кўнгли дунёси бир муддат бўмбўш бўлиб қолади, дейишади. Менда эса ҳаммиша бунинг акси юз беради, яъни бирор нарсага тугаллашим билан янги бир куч, илҳом оғушида яшай бошлайман. Фақат иккинчи бир оламга ўтишим, кўникишим қийин кечади.

Яна бир воқеа: бундан бир неча йил муқаддам Навоий шахрида кекса бир геолог олим билан учрашганимда, у киши ўзининг орзу ва армонларини куйидаги йўсинда ифода этганди: "Қизилқумнинг сарҳадсиз кенгликларидан тош-ўрмонлар қаторида тош қотган мевалар мавжудлигини билганим ҳолда уларни учратолмай сарсонман. Агар кўп эмас, атиги тўрттагина тош қотган мевани топа олсам ўзимни дунёдаги энг бахтли одам деб ҳисоблардим..." Ушбу сўхбатдан сўнг Қизилқум кенгликларига жуда қизиқиб қолдим. Бу йил ёзининг айти чилласида, "тош мевалар"ни топиш умидида Яна Қизилқум бўйлаб экспедиция уюштирдик. 90-95 миллион йилнинг нарисидан бўлган тошга айланган меваларни топишга муваффақ бўлдик.

✱ Янги йилда яна бошқа асарларга ҳам кўл уриш нияти бор, баъзиларини бошлаб ҳам кўйганман. Бундан ташқари, юртимизнинг жанубий вилоятларида мавжуд иккита йилрик горни ўрганишни кўнглига тукканман. Одатда, гор саёҳати хавфли сафарлардан ҳисобланади. Ўнлаб горларга бош суқиб, уларни баҳоли-қудрат ўрганган киши сифатида шуни айтишим лозимки, бу кўнгли иши эмас, тасодифларга тўла энг оғир юмуш. Олдинда сени нима кутаяпти, буни фақат Худойим билади. Мавҳумлик! Шахсан мени ана шундай мавҳумликлар янги-янги экспедицияларга чорлайди.

✱ Тилагим, ҳар бир оилада Меҳр-муҳаббат деб аталмиш гулларшайверсин, яшнайверсин!

Дилфуза ШОМАЛИКОВА, адаба, "Ғунча" журнали бош муҳаррири:

✱ Ҳар кунимиз оддий кундек туюлади. Гоҳида мўъжиза кутамиз, кутилмаган пайтда рўй берадигандек. Аслида ҳар сойиядаги интилишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз билан мўъжизага замин ҳозирлаб борамиз.

Урмимизнинг қувонч-у ташвишларга бой, сермазмун яна бир йили ортада қолмоқда. Ўтган давларни сарҳисоб қилар эканмиз, "Мустаҳкам оила йили" ҳам бошқа йиллар каби ўзининг сермазмун ва янгилик-ўзгаришларга бойлиги билан хотирамизда ўчмас излар қолдираётганига шубҳа йўқ. Янги — 2013 йилдан ҳам албатта ҳаммамизнинг умидимиз катта. Сув илони балиқ мучалининг давоми сифатида хотиржамлик ва осойишталик ваъда қилмоқда. Одатда илонни совуқ жонзот деб ҳушламаймиз. Аммо бу йил бизга ажойиб, кутилмаган хушбарлар тайёрлаётгани ҳақида турли тахмин-баҳоратлар бор. Омадни кўлга киритиш эса ҳар кимнинг ўз кўлида. Шарқда илон бойлик ва донишмандлик белгиси ҳисобланади. Айниқса, нафис санъат аҳли — композитор, рассом, адаблар учун ижодий ютуқлар йили бўлади. Олтин қоида шундай: ўзингиз ва виждонингиз олдида ҳалол бўлинг. Зеро, нима бўлганда ҳам 2013 йилни буюк мақсадлар ва кўтаринки кайфият билан кутиб олиш насиб этсин!

Янги йилда ўз мучал ёшларини нишонлаётган турли соҳа вакилларига газетамизнинг ушбу аънавий саволлари билан мувожаат этдик:

- Ўтаётган йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?
- 2013 йилдан нималарни кутаяпсиз?
- Байрам тилақларингиз?

ЙИЛЛАР КЕЛАР ЙИЛЛАР ОРТИДАН



Ўтаётган йил якунида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қиламиз: зиммамиздаги масъулиятли вазифани қандай уддаладик? Маънавий юксалишларга асос бўлган йилларимизнинг номлиниши ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан узвий боғлиқ. У мақсадларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлади.

Тахририятимиз ижодкорлари тарихга айланаётган "Мустаҳкам оила йили"да қажо қалблардаги қиёссиз туйғулар ифборини ўзлгична саҳифаларга кўчирди: Келажакимиз эгалари — мактуб йўллаган ҳар болаки дилдошга, сўхбатдошга айланди. Йиллар мобайнида обуначиларимизнинг сони юз мингдан зиёдлиги сўзимиз тасдиғидир.

✱ Келаётган "Обод турмуш йили" мизда режаларимиз адоқсиз. Аввало фарзандлари соғ-омон, хотиржам оила аъзосининг фикри тиниқ, иши унумли, режалари пишиқ, ўйларининг замини залворли бўлади.

Кўлидан китоби тушмайди-ган элнинг фарзанди эканлигимдан қувонаман. Бобом — отам куёшининг тигида оловнинг жазирамасида темирчилик қилар, бир зумгина тин олса, Машраб ҳазратларининг ғазалларини ёд айтиб чарчоғини унутарди. Бугун қизим тиббиёт олий даргоҳида ўқиш билан бирга, катта хонадонда илдиэ отаётган ниҳоллигидан кўнглим таскин топади. Келинча онадек меҳрли, набира-сига парвона қайнонасининг кўллаб-қувватлаши билан ҳам

ўқиб, ҳам хорижий матбуотларда илмий мақолалари билан чиқиси тенгсиз қувончим.

Оила бахти. Олмос тарозу-га гавҳар тош қўйсанг-да камлик қиладиган посанги мисол. Йиллар давомида нималарнидир қоралаган бўлсам, деярли оила, оилавий муносабатлар, ахлоқий тарбия, фалсафий қарашлар...

Шулар асосида илм билан шуғулланиш режаси тузилган, бу ишни кўнглимдагидек якунласам дейман. Спортчи-иктисодчи ўғилларимнинг фалсафий, тарихий китобларга меҳри, қизиқиши, мутолааси, фикри ботиний истакларим ифодачиси эканлигини айтгим келади.

✱ "Дунёда ҳамма кўчалар адаштиради, чунки унда оёқ билан юрилади. Қоғоз кўчалар эса адаштирамайди, унда кўнгли билан юрилади", дейди ардоқли шоиримиз Эшқобил Шукур. Мен фарзандларим билан ўша кўчаларнинг доимий ҳамроҳи, йўловчилари бўлгим келади.

Йил қанот қоқади: изланиш, ўрганиш учун бизга пешвоз чиқаётган йилларнинг — йўлларнинг борлигидан севинаямиз.

Меҳриддин РАҲМАТОВ, актёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист. 1977 йил, 4 августда туғилган. Мучали илон, буржи арслон:



✱ Санъаткор учун ҳар қандай йил яхши ё ёмон ўтганиги билан эмас, балки унинг ўйнаган роллари, ижодий ютуқ ва камчиликлари

билан муҳим. Умуман олганда, мен учун хайрлашаётган йил бир маромда, сокин ўтди. Жуда кўп роллар ижро эта олмаган бўлсам-да, лекин нолимайман. Оллоҳга шукр, театрда "Яраланган оқуш нола-си"да Нодир, "Йиғлама қиз" спектаклида Абдусаттор образларини яратган бўлсам, кино соҳасида эса "Жигарбандим" фильмида роль ўйнадим. Дубляжда ҳам самарали ижод қилдим.

✱ Келаётган 2013 мучал йиллим экан, айти ижод қиладиган, шижоат билан ишлайдиган паллам деб ҳисоблайман. Кўпдан буюб бир сценарий қоралаб юривдим. Худо хоҳласа, келаётган йилда бошлаган ишимни якунига етказиб, яхши бир саҳна асари яратмоқчиман. Мухими, жонимиз омон, кўнглимиз хотиржам бўлса, орзу қилишдан, интилишдан чарчамаймиз.

✱ Илоҳим, юртимиз тинч бўлсин. Театрларга келиб, спектакллар томоша қилиш муҳлисларимиз учун аънамага айланишини истайман.

Юлдуз ҲАМРОҚУЛОВА, 1989 йил 2 апрелда туғилган. Мучали илон, буржи ҳамал. Халқаро тоифадаги спорт устаси, шахмат бўйича Осиё чемпиони кумуш, бронза, Жаҳон чемпионати-нинг эса бронза медали совриндори, 12 қарра Ўзбекистон чемпиони, "Шухрат" медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

✱ "Мустаҳкам оила йили" мен учун ҳам ҳар томонлама омадли, мазмунга бой, эса қоларли йиллардан бири бўлди, десам янглишмайман. Соҳамни ҳурмат қиладиган, ютуқларимдан фахрланадиган қайнона-қайнотам, турмуш ўртоғимнинг раҳм-ўрликларидан оила атадиш муқаддас кўрғонга қадам қўйдим. Бир қанча шахмат турнирларида қатнашишга муваффақ бўл-

Шукр



диёт. Тошкент давлат иқтисодий университети магистратурасини битириб, Жиззах политехника институтига ишга кирдим. Бу ҳам ҳаётимда янги босқични бошлаб берди.

✱ 2012 йилдан фарқли ўлароқ, келаётган илон йилидан умидларим катта. Георгий Агзамов хотира турнири, олий лига, зона турнири, Ўрта Осиё кубокларида қатнашиб, юқори натижаларни кўлга киритмоқчиман. Аёллардан биринчи бўлиб, гроссмейстер талабини бажариш ниятидаман. Илмий фаолиятимни ҳам давом эттириб, диссертация ёклашни мақсад қилганман.

✱ Ўзбекистонимиз спортчилари Ватанимиз байроғини янада баландроқ кўтаришларини тилайман!

Ойбек ҚИЛИЧЕВ, "Пахтакор" жамоаси футболчиси. 1989 йил 17 январда туғилган. Мучали илон, буржи тоғ эчкиси:



✱ Ўтаётган йил нафақат мен учун, балки ўзбек футболчилари учун ҳам анча омадли келди. Бундай ютуқларда менинг ҳам бироз бўлса-да ҳиссам борлигидан бахтиёрман. "Анджон"дан яна кадрдош "Пахтакор"имга қайтиб, асосий таркибда тўп сураётганимнинг ўзи 2012 йил мен учун гоё бахтли йил бўлди дейишимга асос бўлади. Терма жамоа сафида ўйнаб, голи бўлди. Жисмоний тарбия институтига ўқишга кирдим. Буларнинг бари унутилмас воқеалар-да!

✱ Худо хоҳласа, 2013 йилда легионер сифатида дунёнинг номдор жамоаларидан ўзимни синаб кўрмоқчиман. Колаверса, терма жамоамизда муносиб тўп суриб, жаҳон чемпионатида чиқиш энг улуг орзуйим.

✱ "Обод турмуш" йили фақат галабалар, омадлар йили бўлсин!

"Оила ва жамият" муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
ёзиб олди.

Оила пойдевори меҳр-муҳаббатдан, устуллари вафо-содоҳатдан қурилган бўлса, унга йилларнинг ҳеч қандай бўруну довуллари қор қилмайди. Бундай муҳитда ўсиб улғаяётган фарзандлар ҳам жамият учун керакли инсонлар бўлиб етишади. Аксинча бўлса-чи?

... Бир воқеа кўз ўнгимда муҳрлиниб қолган: ўшанда Хатирчи туман судининг суд мажлиси котибаси вази фасига яқиндагина ишга қабул қилинган эдим. Эр ажралиш ҳақида судга ариза билан муурожаат этган. Хотини кўлидаги бир яшарлар чамаси қизчасини кўксига босганча юм-юм йиғлайди. Марҳум устозимиз судья Зокир Ялғашев суд мажлисида фуқаролик ишини кўрар эканлар, оилани сақлаб қолиш мақсадида бор тажриба ва маҳоратини ишга солдилар. Эр ва хотинга ярашиш учун қайта-қайта муҳлат берилди. Аммо йигит оилани тиклашни хоҳламаслигини тақрорлайвериш, сўзида қатъий туриб олди. Охири бўлмади — улар ўртасидаги никоҳнинг бекор қилинганлиги тўғрисида суд қарори ўқилди. "Ота" бўлмиш кимса кўзларида сохта қувонч билан эшикка йўналди. У оила деган муқаддас даргоҳни барбод этганлигини, боласини ота меҳридан, эркалашларидан маҳрум қилиб кетаётганлигини ҳис этмасди. Аёлнинг эса ўрнидан кўзгалашига мажолли йўқ эди. Мурғаккина қизалоқ эса кўлчаларини чўзганича отачинлар ортидан йиғлаб қолаверди...

Бу аянчли манзара кўз

АЖРАШИШ ОСОНМИ ЎКИ ЯРАШИШ?

ўнгимда бир умрга муҳрлиниб қолди десам муболага бўлмайди. Кейинчалик ҳам ўша қизчани кўча-қўйда кўп бора учратдим. Унинг кўзларида қандайдир мунг, ота меҳрига ташналик, ичкиш муҳрлиниб қолган эди гўё...


Орадан бир неча йиллар ўтгач, ўзим ҳам судья бўлдим. Шу каби оилавий муаммоларни кўриш масъулияти менинг ҳам зиммамга юкланди. Лекин доимо ўз олдимга аввало бир мақсадни кўйиб, ишни шу нуқтаи назардан кўришга ҳаракат қиламан: оилани ажратиб юбориш эмас, имкон қадар рўзгорлар бутлигини, оила мустақамлигини сақлаб қолишга уринаман. Қаерда оила хусусида учрашув, тадбирлар ўтказилмасин иштирок этишга, кўнглимдаги гапларимни, фикр-мулоҳазаларимни етказишга шошиламан. Зотан, оила бир муқаддас кўрган, уни барбод қилиш у ёқда турсин, битта гиштини ҳам силжишига йўл қўйиш — энг оғир гуноҳлардан саналади.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги фуқаролик ишларини таҳлил этар эканман, баъзан арзиманган майда-чуйда кирчикирлар, атрофдагилар, оиладаги учинчи одамнинг таъсири, турли миш-мишлар са-

баб ҳам гулдек оилаларга дарз кетаётганлигига ачинаман. Ҳатто ёши қирқдан ошиб, эртаиндин қуда-андалик бўладиган эр-хотинларнинг ҳам характеримиз тўғри келмади,

турганда, ажрашишни ихтиёр этдингизми? Ўзингизнинг тинчигизни ўйлаб, ўсимликнинг қийин дамларини бошидан ўтказаётган болангизга далда бўлиш ўрнига, унинг руҳиятига зарба етказишдан чўчимайсизми? Бу ишларингиз худбинлик эмасми? Сизнинг бу қилмишингиз фарзандингизнинг келажагига қора кўланка ташлайди-ку, деган аламли саволларга жавоб излайман.

Судья Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасига



мизга қариндош-уруғ аралашаяпти, деган ваз-баҳоналарни рўқач қилиб, судга ариза беришаётганини кўриб, ҳайрон қоламан. Ахир шунча йил у-жой қилиб, қатор-қатор бола-чака ортириб яшаб келгансиз-ку, энди қизингиз келин, ўғлингиз қувв бўламан деб

асослаиб, "Никоҳдан суд тартибда ажратиш" масаласини кўрар экан, унинг иккинчи банди асосида эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Бу мuddат мобайнида жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, МФЙ, ҚФЙ, қариндош-уруғ, қўни-

Долзарб мавзу

қўшнилари оилани сақлаб қолиш учун тажрибасиз, ёш эр-хотиндан бисотларидаги бор панду насихатларини аямасликлари ва ҳар иккала томоннинг манфаатлари, ҳуқуқлари, қарашларига одилона ва холисона баҳо бериб, ўзларининг беиннат ёрдамларини беришлари шарт, деб ўйлайман.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтмоқчиман. Сир эмаски, ўзбек хонадонидан назарий жиҳатдан эркак бошчи бўлса-да, амалда баъзи ҳолларда аёл етакчиликни кўлга олишга интилаётган ҳолатлар ҳам учраяпти. Бозор-ўчарда, борди-келди, болалар тарбияси, уларнинг боғча, мактабга қатнашида она масъул бўлаяпти. Фарзандлар кўз ўнгидан онанинг нуфуси ортгани ота ролига таъсир қўрса-ди. Шундай пайтда оқила аёллар ўз болаларига оилада энг аввало, отанинг ўрни улуғлигини таъкидлаб туради, ёмонлини яшириб, яхши фазилатларини бўрттиради. Аксарият бахтли оилаларимизнинг пойдевори аслида мана шундай доно аёлларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мустаҳкам бўлади. Фарзандларимиз бағри бутун бўлиб, ота-она меҳрини туйиб улғаядилар ва эртага ана шу муҳаббатларини Ватанга, элга бутунлигича узата оладилар.

И. ШОЙМАРДОНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Навоий вилоят суди судьяси.

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Президентимизнинг Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузасида жамиятимиз ривожининг яқин келгусидаги энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, концепция доирасида Бош Қомусимизга ўзгартишлар киритиш, 19 та янги қонун ишлаб чиқиш, қатор амалдаги қонун ҳужжатларни тақомиллаштириш ва уларнинг янги таҳририни қабул қилиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда бу борадаги ишлар қизгин давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг 27 апрелида янги қонунлардан бири — "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Маъзур ҳужжатга кўра, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Унга мувофиқ, юридик шахс мақомидаги оилавий тадбиркорлик оилавий қорхона шаклида ташкил этилиши мумкин.

Бундай қорхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий қорхона иштирокчиларининг улуши ёки биргаликдаги мулкда бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий қорхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулкни негизда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектини саналади. Оилавий қорхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Унда камида икки киши иштирок этиши лозим. Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа турли тоифадаги қариндошлари оилавий қорхона фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар ва нотурар жойларда амалга ошириши мумкин.

Турар жойлари улардан оилавий қорхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Қорхона иштирокчилари ва ходимларининг иш вақти меҳнат стажига қўйилиб, меҳнат дафтарчасига ёзиб борилади. Бунинг учун эса, давлат ихтимоий сугуртаси бўйича бадаллар мунтазам тўлаб борилиши лозим. Қорхона банкда миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб варакчаларини очishi мумкин. Муҳтасар айтганда, оилавий қорхона — ҳар бир интилувчан, ўз келажагини ўйлаб бирор ишга қўл урган оила учун фаровонлик манбаидир.

Гулнора ҚУРБОНОВА,
Жомбой туман 2-сон ДНИ нотариуси.

Яқинда саёҳат баҳонасида олис Ҳиндистонда бўлдим. Сафаримиз икки ҳафтага мўлжалланган бўлса-да, лекин уч кун ўтгарўтмас, она юртим Ўзбекистонни соғина бошладим. Деярли ҳар кун сайру томоша, биз китобо кинотасвирларда кўрган эртаннамо манзараларга гувоҳ бўлсак-да, негадир бир куч ортга — уйга тортаверди. Ниҳоят, сафаримиз қариб, самолётга чиқдик.

Ширин хаёллар оғушида ўтирсам, ёнимга бир киши келиб, "Ассалому-алайкум", дея ўзига хос талаффузда мен билан ҳол-аҳвол сўрашгани

Жобир СИНГХ: БОБУР РУҲИГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН!

Ширин хаёллар оғушида ўтирсам, ёнимга бир киши келиб, "Ассалому-алайкум", дея ўзига хос талаффузда мен билан ҳол-аҳвол сўрашгани

Кўнглимни қайтадан кўришга ҳақиман. Мен ўзимни ҳайратга солган қадим осори атикалар билан бирга, ҳинд халқининг тарихи ҳам бизнинг Шарқ халқлари билан муштараклигини айтиб, кўрган-кечирганларим ҳақида ўртоқлашдим. Ва барибир ўз юртимнинг қадр-қимматини узоқ юртда кўпроқ англаганимни айтсам, Жобир ҳам маъноли қилиб қулиб қўйди-да, шундай сўз бошлади:

— Тўғриси айтмайми сизга, мен ҳам аслида хиндистонлик бўлсам-да, лекин Ўзбекистонни ўзимнинг иккинчи Ватаним деб ҳисоблайман. Нега десангиз, хизмат юзасидан дунёнинг кўп жойларида бўлганман. Мени ҳайрон қолдириш қийинроқ. Аммо Ўзбекистон барибир бошқача-да. Мамлакатингизда фаолият юритаётган ишбилармонлар билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келяман. Бу ерда муҳит яхши, ҳалол, шаффоф, ишлайман деганлар учун барча имкониятлар яратилган. Мени ҳайрат ва ҳаяжонга солган нарса, бу сизлардаги оилапарварлик билан боғлиқ жиҳатлар бўлди. Айниқса, кексаларга эҳти-

роқ кўрсатиш, ота-онани эъзозлаш, миллий анъана, расм-русумларга амал қилиш сизлар учун жуда оддий, яъни қундалик ҳаёт тарзига айланган. Шахсан мен бир-биринга бу даражада самимий меҳр-мурувват кўрсатиш, бағрикенглик қилишни бошқа миллатларда деярли кўрмаганман. Менинг назаримда бизларни боғлаб турган ришталар ҳам шулар бўлса керак.

Жобир Сингх суҳбат орасида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, оналар

ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга давлат аҳамиятига молик масала сифатида жиддий эътибор қаратилаётганлигини мамнунлик билан таъкидлар экан, кейинги йилларда ўзаро ҳамкорлик доирасида республика соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган келишувга биноан икки давлат тиббиётчиларининг малака ошириш борасидаги амалий ишлари яхши самара бераётганлигини, шунингдек, маъзур фирмага қарашли тиббий мақсатда хона томонидан ўзбекистонлик беморларга кўрсатиладиган кўмаклар хусусида ҳам алоҳида тўхталди.

...Ниҳоят, самолётимиз Тошкентга келиб кўнрақ, меҳмон менинг чехрам бир зумда ёриши кетганини кузатиб ўтирганини сездим. У хайрлашаётиб, "Шахсан мен бу дунёда Ўзбекистон деган улуг давлат борлигидан, бу заминда Самарқанд, Бухоро, Хива каби қўна шаҳарлар ҳамон ўз салобатини сақлаб қолганидан қувонаман. Ва ишонасизми, ҳар гал Ватанингиз тупроғига қадам қўйсам, Ҳиндистон тарихида буюк ўз қолдирган ватандошини Мирзо Бобур ҳўратлари руҳига таъзим қиламан!", деб қўйди.

Турдикул НОРМАТОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.



Самарқанд шаҳридаги “СИЁБ ДЕҲҚОН БОЗОРИ” масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**халқимизни 2013 – “Обод
турмуш йили” муносабати
билан самимий муборакбод
этади!**

**Янги йилimiz ўз номига
муносиб бўлишини тилаб,
барча юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик, бахт ва
омад ҳамиша йўлдош
бўлишини тилаймиз.**



**Аҳли донишлар таъбирича, янги йил остонасида
айтилган самимий тилак ва ёруғ орзу-умидлар
ижобат бўлар эмиш. Шундай экан, бизнинг**

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАРМАНА ТУМАНИ КЕНГАШИ



**жамоамиз ҳамда юртимиз
аҳлини Янги йил айёми
билан чин юракдан
табриклайди!**

**Тилагимиз, Ватанимизда ҳаминша
тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва
бағрикенглик барқарор бўлаверсин.**

**“Обод турмуш йили” барчангизга
муборак бўлсин, муҳтарам юртдошлар!**

**Пахтачи
туманидаги
Султонобод
қишлоқ фуқаролар
йиғини ҳудудида
фаолият
кўрсатаётган**

“ҚОРА МУСТАҒИ” хусусий фирмаси

**ватандошларимизни
қутлуғ Янги йил байрами
билан муборакбод этади!**

**2013 йилда турмушимиз
янада фаровон, ҳаётимиз
сермазмун ва фараҳбахш
бўлмоғини Яратгандан
тилаб қоламиз.**

**Тани сиҳатлик, меҳр-
мурувват ва бағрикенглик
ҳеч биримизни тарк
этмасин!**



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Ўзгаллик салоғига тайёрлаш — 1 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Тўкувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.	Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.
МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ:
Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

Қадрли Авезжон Бекмуротова ва Ражаббой Асқаров!



Сизларни 26 декабрь — таваллуд айёмла-рингиз билан самимий муборакбод этамиз. Биз Авезжонни аввало, сариштали оила бекаси, қолаверса, Тошкент тўқимачилик ва енгил са-ноат институтининг жонкуяр ўқитувчиси, Ра-жаббойни эса ўз соҳасининг етук ва тажриба-ли вакили, меҳрибон ота сифатида қадрлай-миз.

Тилагимиз, бошқаларга ҳам сизлардек қўша қариб, бахтли-саодатли бўлмоқ насиб этсин!
Бир гуруҳ дўстларингиз.

Муҳтарам онажонимиз Сайёра ЖУМАНОВА!

1 январь — таваллуд топган кунингиз билан самимий мубо-ракбод этамиз! Илоҳим умрингиз узок, руҳингиз бақувват, бах-тингиз бутун бўлсин. Отажонимиз билан қўша қариб, бизларни дуо қилиб юриш насиб этсин.

Оила аъзоларингиз номидан
ўғлингиз Бекзод ва келинингиз Назоқатхон.
Навоий вилояти Кармана тумани.



— Йилнинг деярли тўрт фаслидаям уйда тинчгина ўтиролмаман. Саховатли тупроқнинг оҳанрабо борми, далага чиқиб кетгим келаверди, — дейди “Туябулоқ шаршараси” фермер хўжалиги раиси Сайёра Раупова. — Яна бир ҳақиқатни тан олиш керак. Гарчи хорижга бормаган бўлсамда, у ёқлардаги нотинчлик, инкироз ва ҳар хил ҳолатларни ойнаи жаҳон орқали кўриб, э, бизнинг юртимиздагидек осойишта, тинч, фаровон давлат, бир-бирига меҳроқибатли, бағрикенг одамлар у ёқларда кам бўлса керак, деб ўйлайман.

Энди икки оғиз ўз фаолиятим хусусида ҳам гапирайин. 2003 йилда ташкил этилган фермер хўжалигимиз тасарруфидан 54 гектар экин майдони мавжуд. Жорий йилда 40 гектарига ғалла, 8 гектарига пахта ва сабзавот экдик. Минг шукрки, ҳар йили пахта ва ғалладан режалаштирганимиздан зиёд ҳосил олапмиз. Топлаётган даромадимиз эвазига аввало хўжалигимиз аъзоларининг турмуш шароитлари яхшиланаяпти. Қолаверса, даромадимизнинг бир қисмини замонавий техника воситалари харид қилишга сарфляпмиз. Ҳозир хўжаликда 1 та ҳайдов, 1 та чоппик трактори, 1 та культиватор ва сеялка мавжуд. Самарали меҳнатимиз туфайли хўжаликда ҳар гектар пахта майдонида ҳосилдорлик 24 центнердан 40 центнерга, ғаллачиликда эса

Энг аввало, ўзи умргузаронлик қилаётган туманда, қолаверса, маҳалла-кўйда ибратли оила соҳибаси сифатида ҳурмат қозонган Сайёра опани энди юртдошлари ғаллачилик ва пахтачилик илмини пухта эгаллаган илғор фермер деб ҳам билишади.

“БУГУННИ ЭМАС, ЭРТАНИ КЎПРОҚ ЎЙЛАЙМАН”

ДЕЙДИ ЖОМБОЙЛИК ФЕРМЕР САЙЁРА РАУПОВА

26 центнердан 52 центнерга кўтарилди. Билсангиз, ушбу рақамлар ортида жуда катта заҳматли меҳнатлар ётибди.

Гурун орасида Сайёра опа ободончилик, хайрсаховат бобида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталди.

—Биласизми, баъзан ўзимга ўзим савол берман, — дея сўзида давом этади Сайёра опа. — Хўш, бундан 20 йил аввал, масалан, бошқаларни кўя туррайлик, менинг ўзим ким эдим ким бўлдим, деб. Менам барча қишлоқ аёллари сингари эрта туриб рўзғор ташвишлари, ҳамширалик иши билан банд бўлардим. Ўзимга тузукроқ қарашга вақт тополмаган пайтларим бўлган. Бугун ҳаётим, туриш-турмушим, дунёқарашим ўзгарган. Кечаги оддий ҳамшира, мана бугун, қаранг, бой-бадавлат мулкдорга айландим. Буларнинг бари

мустақиллик шарофатиданда.

Қаҳрамонимиз нафақат тадбиркор деҳқонгина эмас, балки қалби саҳий куёшдан тафт олган меҳри дарё она ҳамдир. У раҳматли турмуш ўртоғи Йўлдош Шанонов билан тўрт нафар фарзандни оқювиб, оқ тараб вояга етказди. Айни кунда уларнинг барчаси ўз жуфтларини топиб, уйли-жойли бўлиб кетишди. Опа эса 5 нафар набиранинг севимли бувижонисидир.

Опа билан дала айланми, бир текис униб чиққан ғалла майсаларини кўриб, кўзларимиз қувонди. Фермер опанинг деҳқончилик, хусусан, ғаллачилик соҳасидаги бой тажрибаси, фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутарканмиз, кўнглимиздан қани энди барча фермерларимиз ҳам ана шундай жонкуяр, саховатпеша, ўз манфаатидан кўра кўпроқ жамият

манфаатини устун қўйса, қандай яхши бўларди-я, деган мулоҳазалар кечди.

Бепоеён далаларда кузги ишлар тугаб, келгуси йил учун тайёргарлик бошланиб кетган бўлса-да, Сайёра опанинг кўли кўлига тегмайди. Энди аллақачон жорий йилни муваффақиятли якунлаб, навбатдаги мавсумга қизгин ҳозирлик кўриляпти. Бизнинг “Остонада қиш кутиб турибди, энди бирон жойга дам олиш учун кетсангиз керак”, деган саволимизга Сайёра опа кулимсираганча, “Фермер ҳам дам оладими, бу ёқда тўй-томошалар бор, уларга бошқош бўлиш керак, қолаверса, мен ўз уйимда — фарзандларим, невараларим, маҳалладошларим орасида мазаза қилиб яйрайман”, деб жавоб берди.

Тумандаги “Кўрғонсолмон” маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия маса-



лалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Абдурахмонованинг суҳбатимиз охирида “Сайёра Раупова жорий йилда етиштирилган ғалласидан 2 тонна буғдойни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия қилди. Маҳалламиз идораси қошида тикувчилик цехини ишга туширди. Натижада 11 нафар хотин-қиз ишли бўлди, шулар ҳақидаям ёзинг”, деганини эшитиб қолган Сайёра опа жиддий оҳангда: “Йўқ, шартмас, кўлимиздан келгунича эл қатори кўмак бераяпмиз. Мендан бошқа фермерлар ҳам қараб тургани йўқ. Яхшиси, яқинлашиб келаётган 2013 — «Обод турмуш йили» билан бизнинг фермер хўжалигимиз аъзолари номидан барча ватандошларимизни газетангиз орқали қутлаб қўйинг”, дея хайрлашди.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Самарқанд вилояти.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАСТДАРҒОМ ТУМАН ТАЪЛИМ, ФАН, МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

**барча юртдошларимизни ҳамда соҳамиз
вакилларини кириб келаётган Янги йил байрами
билан чин дилдан қутлайди!**

*Тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан
битилаётган, айниқса, бизнинг озод ва обод Ватанамиз
учун улкан ўзгаришларга бой бўлган 2012 йил билан
миннатдор хайрлашар эканмиз, 2013 йилдан ҳам
умидимиз катта. Бу йил чин маънода ободлик йили
бўлишига ишончимиз комил.
Байрамингиз муборак бўлсин!*



ЯШИРИН ЦЕХЛАР, СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР...

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай муस्ताқил давлат ўз ички бозорини сифатсиз, қўлбола ва аҳоли соғлиги учун жиддий хавф тўғдириши мумкин бўлган ишонсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва ҳудудий солиқ инспекцияси ходимлари айни жабҳада мунтазам равишда рейд тадбирлари, назорат ишларини олиб боришади. Бу жараёнда четдан ноқонуний тарзда товар олиб келувчилар, ўзимизда яширинча турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар фош этиб борилади. Бевоқиф рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида солиқчилар томонидан ўтказилган текширишлар давомида 13 миңдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. 207 та яширин цехлар фаолиятига нукта қўйилган. Бу цехларнинг 6 тасида қўлбола алкоғолли маҳсулотлар, 9 тасида ўсимлик ҳақи, 79 тасида озиқ-овқат ҳамда 113 тасида ноозик-овқат маҳсулотлари тайёрланиб келинган.

Шунингдек, 66 та ҳолатда ноқонуний равишда дори-дармонлар савдосини йўлга қўйганлик, 1705 та ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз фаолият кўрсатиш, 304 та ҳолатда эса белгиланмаган жойларда савдо қилишга барҳам берилган.

Шундай кўнгилсиз ҳолатлар билан юзма-юз бўлганда, дастлаб ҳаёлинигиздан қуйидаги фикрлар ўтади: қўлбола, сифатсиз маҳсулотларни тайёрлаб сотаётган ҳамюртларимиз ундан ўзининг оила аъзолари, ақинлари истеъмол қилишини хоҳлармикан?! Йўқ, албатта. Чунки бундай тоифадагилар ўз маҳсулотларини белгиланган давлат стандарти, сифати талабларига жавоб бермаслиги-

ни жуда яхши билишади. Аммо ҳақалак отган нафси, чўнтак қаппайтириш илнжидида қўрбила туриб шундай пасткашликка бораверишади...

Фарғона шаҳар ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган рейд тадбирида шу шаҳарда яшовчи М. Дилшод томонидан кўп қаватли уйлاردан бирининг хонадонида қўлбола усулда спиртли ичимликлар тайёрлаб сотилаётгани фош этилди. Маълум бўлишича, ушбу сифатсиз ичимликлар шаҳардаги ошхоналардан бирида сотиб келинган. Текшириш якунида хонадондаги яширин цехдан 200 миң сўмлик қўлбола усулда тайёрланган мослама ва маҳсулотлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Учкўприк тумани ДСИ ходимлари томонидан ташкил этилган рейд тадбири давомида эса, кўздан панадаги яна бир устамоннинг «тадбиркор»лиги аниқланди. Шу туманда яшовчи С. Наримон ўз уйида ноқонуний равишда алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келган экан. Текшириш якунида мазкур хонадондан олинган 23,4 литр қўлбола ароқ, 41,5 литр спирт, 450 донага яқин бўш шишалар ва шиша копкалари, 807 дона акциз маркалари, қоғоз ёриқлар, умуман олганда, 1576,3 миң сўмлик мослама ва маҳсулотлар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Бу долзарб мавзуда гап кетганда, виллоятимизнинг чегара ҳудудларидаги айрим кўнгилсизликлар ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

154-сонли қарори ижроси юзасидан ўтказилаётган рейд тадбирларида солиқчилар бу каби ҳуқуқбузарликлар билан жуда кўп тўқнаш келишади. Яқинда Қувасой шаҳар ДСИ ходимлари томонидан Полмон қишлоғи ҳудудида рейд текшируви ўтказилди. Тадбирда шу ҳудудда яшовчи Р. Аминжон ҳеч қандай ҳужжатсиз 12430,0 миң сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган телевизор маҳсулотини сотиш мақсадида олиб кетаётганда ушланди.

Бундай устамонлар орасида ўз хонадонини савдо-сотик омборига айлантирганлар ҳам учраб туради. Марғилон шаҳар ДСИ ходимлари И. Шокирнинг ўз уйида ташкил этган ноқонуний бензин шохбасини аниқлашди. Хонадондан сотиш учун сақланаётган 5086 литр бензин маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинди. Кўштепа туманилик И. Азиз эса уйида 7240 литр дизел ёқилғисини сотиш учун мижоз кутиб турганида туман ДСИ ходимлари кириб келишди. Начора, ноқонуний иш орқали мўмай даромад кўзлаган ишбилармоннинг бу сафарги «ов»и юришмади! Ёки Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи А. Шоира ҳам ўзининг яшаш хонадонидида 67 турдаги — жами 8349,0 миң сўмлик тиббий дори-дармонлар билан савдо қидаётганда қўлга тушди...

Ҳар нарсани ўз номи билан атайдиган бўлсак, шу юрtdа мухайё барча азиз неъматлар, яхшиликлардан баҳраманд бўлувчи, юқоридидаги каби юртдошларимизнинг ноқонуний ҳаракатларидан азият чекувчи, истеъмолчи — ўзимиз бўлиб қолаверамиз. Шундай экан, бундай кўнгилсизликларга биринчи навбатда ҳар бир фуқаро ҳушёрлик билан муносабат билдирмоғи зарур.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилояти ДСБ
ахборот хизмати бошлиғи.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ хунармандчилиги ва амалий санъатининг кўп асрлик анъаналари асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳамда хунармандларга берилётган солиқ имтиёзлари соҳанинг изчил ривожини таъминламоқда.

Айтиш керакки, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни ҳамда Президентимизнинг "Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда юқоридида зикр этилган ҳужжатлар ижросини таъ-



минлаш мақсадида Сурхондарё вилоят давлат солиқ идоралари билан "Хунарманд" уюшмасининг жойлардаги бўлиналари ҳамкорлигида оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, уларни кўллаб-қувватлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Таъкидлаш керакки, Президент Фармонига асосан, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини сотишдан олинган тушум бўйича 2014 йилнинг 1 январига чад бўлган даврда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Албатта, бу каби солиқ имтиёзлари ва қулайликлар берилган хунармандчилик билан машғул тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг тури ва ҳажмининг кенгайтириш орқали катта моддий даромад олиш, фаолиятлари кўламини янада кенгайтиришга эришмоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина ўтган 2011 йилда вилоят бўйича "Хунарманд" уюшмаси аъзолари, яъни уй шароитида халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахсларга қатъий белгиланган солиқ тўловидан 27,6 млн сўмлик солиқ имтиёзлари берилганлиги ҳам ана шундай эътибор самарасидир. Энг муҳими, тежалган маблағлар хунармандларнинг иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг замонавий техника воситаларига бўлган талабларини қондириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида солиқ тўлашдаги имтиёзлар ҳамда имтиёзли кредит олиш бўйича яратилаётган шарт-шароитлар ҳам соҳа ривожидида муҳим омил бўлиб, ўзаро рақобатбардошликни таъминламоқда.

— Хунармандчиликни ривожлантириш учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланган ҳолда оила аъзоларимиз билан кўл дастгоҳида миллий тўн ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб келмоқдамиз, — дейди бойсунлик хунарманд Ҳанифа Салимова. — Тўқувчиликнинг "Жанда" йўналиши бошқа ҳудудларда асло учрамайди. Унинг тўқилиш технологияси, хом ашёси, ранги ва гуллари бошқалардан тўдан фарқ қилади. Жорий йилнинг шу даврига қадар 7 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказдик. Оилавий тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган имтиёз ва қулайликлар учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Ҳа, қисқасини айтганда, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатининг турли йўналишларига асосланган оилавий тадбиркорликка қаратилган юксак эътибор туфайли бугун мазкур соҳа замон талаблари даражасида янада сайқал топиб, мазмунан янгилашиб бормоқда.

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси
ахборот хизмати бошлиғи.

НОҚОНУНИЙ САВДО ТАҚИҚЛанаДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги "Грампластиклар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг 1 декабрига қадар Бектемир тумани ДСининг "Назорат тартибидидаги ва қисқа муддатли текширишлар ўтказиш" шўъбаси томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Бунинг натижасида жисмоний шахслар томонидан 13 марта ноқонуний равишда аудио-видео ва лазер дисклар билан савдо қилиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу қонунбузарликлар натижасида 2661 дона умумий қиймати 5363,0 миң сўмлик CD ва DVD дисклари олиб қўйилди.

Ўтказилган текширишларда тўлганган 11 та текширув ҳужжатлари маъмурий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш юзасидан тегишли тартибда суд органларига ва 2 та текширув ҳужжати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича айбдорларга нисбатан жиноий иш кўзгатилиб, қолган 18 та текширув ҳужжатлари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли чора кўриш учун суд органларига юборилди.

Ҳозирги кунда ҳам туманимиз ҳудудида ушбу қарор ижросини таъминлаш ҳамда бу борада аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилаётган.

Қамолддин ИБРАГИМОВ,
Бектемир тумани ДСИ шўъба бошлиғи.

ЛАФЗ – тилимизда, асосан, "ваъда", "аҳд" маъноларини англатган "лафз" сўзининг туб илдици "талаффуз", "сўз", "ибора", "ифода" каби маъноларга эга. Шунинг учун ҳам бу сўзнинг "ваъда" мазмунидаги вазифаси кўчма маънода деб изоҳланади.

Бизда лафзсизлик уят саналади. Боболаримиз азалдан лафзинг ҳалол бўлсин деб ўргатиб келганлар.

Журналдан



Бирдан эрининг шошилмай, очик чехра, ширин лафз билан кириб келгани Ойша холага наъша қилиб кетди.

Журналдан

СУВОРА – Шашмақомнинг

Бузрук мақоми асосида яратилган куй ва ашулалар тилимизда "Сувора" деб аталади. "Сувора" сўзининг туб илдици "отлик", "отга минган ҳолда" деган маънони англатади.

Суворанинг яна уч хили – машҳур чолғу куйларидир.

Ўзбекистон Миллий
Энциклопедияси

КАЛЛАВАРАМ – ақл билан эмас, ўйламасдан, пала-партиш иш қиладиган фикрсиз одамларга нисбатан тилимизда "калла-

варам" сўзи қўлланади. Хўш, бу сўзнинг асл маъноси қандай? "Каллаварам" сўзидаги "варам" сўзи арабчада "шиш", "ўсма", "ялғиланиш" деган маъноларни англатади.

Бу каллаварамга гап кор қилганида шу пайтгача бирор ишнинг этагини тутган, ҳеч бўлмаса ўзини эплаган бўларди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Янги йил ҳангомаси

Янги йил арафасида Маъмуржон хотинини етаклаб Тошкентда яшайдиган дўсти Содикжоннига кириб келди. Иккаласи институтда беш йил бирга ўқиб, ётоқхонада ҳам битта хонада туришганди. Аудиторияда ялакат мағиздек бир-биридан ажралишмас, билмаганлар уларни ака-ука деб ўйлашарди.

Маъмуржон кўзонлик бўлса, Содикжон Шахрисабзнинг Ҳазора қишлоғида эди. Уч йил бурун институтни тугатиб, бири водийга кетди, Содикжон эса пойтахтда ишлаб қолди. Маъмуржон икки йил аввал уйланди. Ошнаси уч кун ёнида куёв-жўра бўлиб турди. Шу йил ёзда Содикжон уйланганда дўсти чет эл сафарига кетгани учун келолмади. Мана энди баланд уйнинг эшиги олдида меҳмонлар кўнғироқ тугмачасини босиб туришибди.

— Бу уйда одам-подам борми ўзи? — деди Маъмуржон ҳазил аралаш, — Кўқондан келувдик, икки кунга жой топилаармикан, деб...

Ичкаридан Содикжоннинг товуши эшитилди:

— Эшик очик, киравер, қитмир, сенга кўзим учиб турувди.

Эр-хотин оғир-енгил сумкаларини кўтариб ичкарига киришди. Содикжон кўринмасди.

— Хўв қаттасан, куёв тўра? — Ман баттаман, — деди Содикжон ҳам атайин Кўқон шеvasида, — ваннада.

Келин-куёв ваннахонага мўралашди. Содикжон белига сочиқ боғлаб олиб ҳафсала билан кир юварди. Маъмуржон кулди.

— Уйлансанг ҳам эски хунарингни ташламабсан-да, ошна, — у Сарвинозга ўғирилди, — бизнинг Содикжон моҳир ювғувчилардан. Институтда ҳам болаларнинг кўйлагини ювиб бериб пул ишларди.

— Йигитнинг зўри мана шунақа бўлади! — деди Сарвиноз, — сизам ўрганинг, хўжайин!

— Биз хотиннинг пошшосига уйланганимиз, — деди Маъмуржон, — бир уйга битта пошшо бўлса етади.

— Бўпти, хей қитмир, ошхонага кириб, чой қўйиб туринглар. Иккитагина кирим қолди, чаяману чиқаман.

Бир оздан кейин Содикжон

ювиниб, кийиниб келди. Дўсти билан кучоқлашиб кўришди.

Маъмуржон сўради:

— Сурайё кўринмайдими?

— Ҳа, дугонам қани? Яхши-лаб танишмоқчийдим. Ё у кишини бозорга юбориб, ўзингиз кир ювишга тушдингизми?

Содикжон ух тортди.

— Пўм чиққанмиз. Уч кун бўлди, онасиникида.

— Оббо-о! Сизларни нима жин урди? Ҳали бир-бирингизнинг дийдорингизга тўядиган вақт бўлмади-ку?

— Негадир, қизгончик бўлиб қолди. Йўқ ердан галва чиқаради. Ишдан келсам, елкамни хид-лаб кўради. Телевизордаги ўйинчи қизларга қарасам ҳам жанжал қилади. «Намунча тикиласиз, эски танишингизми?» дейди. Икки бухгалтер қизимиз бор. Ҳалима, Сали-

ма, Салимадан ҳам рашк қилмайдиган бўлсин. Фақат, илтмос, Содикжон ака, телефон жирингласа гўшаки олманг, ўзим оламан. Майлими?

— Майли-ю, лекин қаттиқ гапирманг-да, Сарвиноз. Тагин онасиникида бутунлай қолиб кетмасин.

— Кўрқманг, қаттиқ гапирмайман. Ипақдай мулойим бўламан.

Меҳмонлар икки пиёладан чой ичиб гурунглашиб ўтирдилар. Бир

билан гаплашиб кўяй!

— Узр, қақиролмайман, у киши ҳозир ваннахонадалар, чўмиляптилар.

— Унда ҳозир ўзим етиб бораман! Куппа-кундуз кун чўмилишни кўрсатиб қўяман унга! — Келиб овора бўлманг. Барибир эшикни очмайман.

— Кўраимиз!

— Қовун туширдигиз, Сарвиноз, — деди Содикжон қизарганча, — ҳозир келади. Кейин

Сурайё бақирди:

— Хўв, қанақа одамсиз?! Мен ўз уйимга кирмоқчиман! Очинг! Бўлмаса ҳозир кўшинларни қақираман!

— Чақираверинг. Барибир очмайман. Гапингиз бўлса айтиб кетаверинг.

— Очмайсизми?

— Йўқ.

Сурайё кўшқўллаб эшикни ура бошлади.

— Войдо-од! Қанақа беҳаё хотин бу! Ўз уйимга киргани кўймапти!

Сарвиноз, ростдан ҳам кўни-кўшни эшитса ноқулай бўлмасин деб эшикни қия очди.

Сурайё терлаб кетган, рангида ранг йўқ, лаблари асабий титрарди.

— Қочинг! — деди эшик дастасини тортиб. Бирок Сарвиноз уни ичкарига қўймади. Сурайё Сарвинознинг эгнига разм солди.

— Уялмай-нетмай менинг ҳалатимни кийиб олибсизми? Қани ечинг-чи!

— Ҳо-о! — деди Сарвиноз лабини буриб, — ҳали мана бу шиппак ҳам меники дерсиз, хоним?

— Иккаласиям меники!

— Узр, буларни тунов кунни Содикжон акам ипподромдан олиб берганлар.

Сурайё ортиқ чидолмади. Эшикни юқиб тортди-ю «Содикжон ака-а!» деб йиғлаганча даҳлизга кириб олди. Эри хотинининг фарёдин эшитиб, бир-бир босиб ичкари хонадан чиқди. Хотинига икки-уч қадам етмай тўхтади. Сурайё учиб бориб эрининг бўйнига осилди, хўнграб йиғлаб юборди...

Яна ярим соатдан кейин икки келин, икки куёв дастурхон атрофида чақчақлашиб ўтиришарди. Сурайё билан Сарвиноз бир-биридан узр сўраб, қайта-қайта ўпишарди.

Маъмуржон ириб ўрнидан турди.

— Ниҳоят спектакль ҳам тугади. Энди талабларга биноан «ярash оши»ни бошлаймиз. Қани, Содикжон, сен гўшт тўра, мен сабзи-пиезга ўтираман. Бугун эркаклар хизматда, хотинлар иззатда.

Саъдулла СИЁВ



ЯРАШ ОШИ

ма. Хотиннинг кўнглига келмасин, деб уларни Ҳалим, Салим деб ёзиб қўйганман. Тунов кунни идорадаги қизлар келинойимизга совға деб яхши атир беришувди. Портфелда қолиб кетибди. Буни қайси жазманингизга олгансиз, деб роса жанжал қилса бўладими. Буни сизга беришди, десам сира ишонмайди-да. Охири мана сенга, деб кўчага отиб юбордим. Атир ҳам кетди, ўзлари ҳам. Ана шунақа гаплар.

— Телефон қилмайдими?

— Кўпроқ кечаси телефон қилади. Лекин гапирмайди. Гўшаки биронта аёл кўтарадимикан, деб пойласа керак-да.

Сарвиноз тап эткизиб столни урди.

— Дугонамни ўзим обкеламан. Бир тавбасига таянтирайки, бундан кейин Ҳалимадан

замон телефон чўзиб жиринглади. Сарвиноз «жим» дегандек бармоғини лабига босдию гўшаки кўтарди.

— Алло, эшитаман!

— Алё, бу Содикжон аканинг уйларими?

— Ҳа.

— Сиз кимсиз? У ерда нима қилиб юрбисиз?

— Мени? Мен Содикжон аканинг бўлажак қаллигиман. Ўзлари ким бўладилар?

— Қанақа қаллиқ?! Мен у кишининг законий хотини Сурайёман!

— Елғон гапирманг, эгачи. Содикжон акам яқинда хотиндан ажрашдим, келиб уй ишларига қарашиб туринг, девдилар.

— Менинг ажрашадиган эрим йўқ! Қани қақиринг-чи, ўша «қаллигингиз»ни, бир ўзи

концертнинг каттаси уйда бўлади.

— Концерт бўлмайди, — деди Сарвиноз, — аксинча сиздан кечирим сўрайди. Сурайё келганда икковингиз нариги хонага чиқиб бекиниб турсангизлар бўлди.

Ярим соатга қолмай Сурайё етиб келди. Унгача Сарвиноз Сурайёнинг уй кийимларини кийиб даҳанаки жангга тайёр бўлиб турди.

Эшик кўнғироғи устма-уст жираңлади. Сарвиноз остонага бориб товуш берди.

— Ким у?

— Мен Сурайёман! Очинг эшикни!

Сарвиноз мулойим жавоб қилди.

— Очмайман дедим-ку ҳали. Энди сиз бу уйга бегона сиз.

Зумрад опанинг касалхонада ётганига бир ойдан ошди. У ҳеч ким билан гаплашмас, доим чуқур ўй-хаёллар оғушида бўларди. Ниҳоят, бир кунни ҳамхонасини кўргани келган келинчақ ва унинг ширингина ўғилчасини кўриб, дил яраси янглиғанди.

МЕН ДАРДИМНИ
КИМГА АЙТАМАН?

ми, дардини тўкиб солди.

— Укамнинг гўзал, одобли, сариштали Раъно деган ёлғизгина қизи бор эди. Қандай бўлмасин, уни ўғлимга келин қилиш истаги менга сира тинчлик бермасди. Ҳар гал уйларига борсам, гап орасида бир неча марта шу ҳақда сўз очардим, укам билан аёли хижолат тортганча. «Опа, хали ёш-ку, аввал ўқишини тугатсин, кейин бир гап бўлар», деб қўйишарди. Барибир қизлари коллежни тугатишига бир йил қолганда «Ҳеч бўлмаса белги қилиб қўяйлик, бошқалар умидвор бўлмасин», деб қаттиқ оёқ тираб олдим. Иним бечора «Йўқ, опахон, қаранг,

дўхтирлар туғишганларнинг фарзандлари оила курса, бола-си ногирон бўлиб туғилади, тушунинг, яхшиси, бегонани келин қилинг», деб зорилласа-да, кўнмадим.

Ноилж қолган укам охири кўнди. Ҳали 17 ёшга ҳам тўлмаган хиянимни шаръий

никоҳ орқали келин қилиб олдим. Раъно менинг айтган барча юмушларимни бекаму кўст бажарар, бирок кўнглимдаги кибир уни келин эмас, бир хизматкор ўрнида кўриш, қай-нозаллик ҳукмини ўтказишга ундарди. Шундай қилдим ҳам, аммо Раъно бир оғиз эътироз билдирмади. Боз устига унинг хомиласи икки-уч ойлигида кетма-кет нобуд бўлавергач, гўё бу унинг энг катта айбидай, кўз очирмай қўйдим. Битта болани еплаб туғиб беролмадинг, деб кун бермадим. Учунчи хомиласидан айрилгандан сўнг шифокорлар уни бошқа она бўлмаслигини айтишди.

Оғрик

Бу гап ўғлимга яхши баҳона бўлди. У кўп ўтмай бир бадавлат одамнинг қизи билан танишиб қолгани, ўшанга уйланмоқчи эканини айтди. Мен сўраб-суриштирсам, розилик билдирдим. Раънони эса шу орада укамга ҳам айтмай, уйга жўнатиб юбордик. Ўша кун сира эсимдан чиқмади: ўғлим хотинини қўлидан судраб дарвозадан ташқарига чиқариб қўраётган пайтда келиним хўнграб йиғлади...

Шу воқеадан кейин укам билан юз кўрмас бўлиб кетдик. Ўғлим бошқа қизга уйланди, аммо бахтли бўлолмади. Иккинчи хотини Раънонинг тамоман акси эди. Ҳар кун уйда жанжал-тўполон. Бу менинг соғлигимга путур етказди, юрак хасталигига чалиндим, кўб босимим ҳам ошадиган бўлиб қолди. Мана, кўриб турганингиздек умрим касалхоналарда ўтапти...

Зумрад опа кўз ёшларини тўхтатолмас, ҳамхонаси эса унга қандай таскин беришни билмасди...

Соҳибжамол ХОЛИҚОВА,
Наманган вилояти.

БОЛА БОШДАН...

Касбим тақозоси туфайли турли тоифадаги талабалар билан мулоқотда бўламан. Биринчи дарсга кирганимдаёқ, ким қанақа оилада тарбия толган, қандай феъл-атворга эга эканлигини яққол ҳис қиламан. Зотан, тарбияли, зиёли хонадонда вояга етган ўғил-қиз албатта ҳаммани бир кўзда кўра олади. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, истеъдодли, ахлоқли талабаларимиз шаънига соя ташлаётган маданиятсиз, хулқу-одобдан йироқ ёшлар ҳам баъзан учраб туради.

Яқинда кеч соат тўққизларда меҳмондан қайтаётиб, бекатда бақир-чақир қилиб, ҳаммани ўзига қаратаётган йигит-қизларга кўзим тушди. Аллабало кийимларда, қўлларида сигарета. Уларнинг оғиздан чиқаётган гап-сўзни эшитсангиз илон пўст ташлайди. Енига яқинроқ бориб разм солдим — учаласи ҳам ўзбек ёшлари. Педагог-лигимга бориб, «Сенларнинг ота-онанг йўқми? Бемаҳалда нега ҳаммамнинг тинчини бузаёписизлар?», дея танбеҳ берсам ҳам, деярли эътибор ҳам қилмасдан, ўзлари билганча иш тутаверишди. Бундан сездимки, уларга гап ўқитиришнинг фойдаси йўқ.

Менинг назаримда юқоридagi каби кўнғилсиз манзаралар бошқаларга ҳам бегона эмас. Турли хил юмуш, ташвишлар билан уйга кеч қайтаётган пайтимизда кўча-қўйда, тунги бар, кўнғилочар жойлар олдида ҳам ана шундай ёш-яланларга кўзимиз тушган. Лекин аксариятимиз менга нима, бегона бўлса, деган қабилда бепарво ҳолда ўтиб кетаверамиз. Лекин эрта ёки индин улар орасида сизнинг, менинг ҳам фарзандимиз пайдо бўлмаслигига ким қафолат бера олади? Ахир, боши берк кўчага кириб қолаётганларнинг бари ўзганинг боласи десак янглишамиз. Шундай экан, энг аввало, уйимизда ўғил-қизларимизни қатъий назорат қилиб турсак, эртага эл олдида қизариб қолмаймиз. Ҳолбуки, азал-азалдан бизда бир болага етти қўшни, ҳатто етти маҳалла масъул ҳисобланган-ку!

Саодат ЗАКИРОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти ўзбек ва рус тиллари кафедраси ассистенти.




БОШ РОЛ ИЖРОЧИСИ" – ТАНЗАНИТ ТОШИ...

"Титаник" фильмининг саноксиз томошабинлари унда роль ўйнаган актёрларнинг кимлиги билан ҳали ҳамон қизиқишади. Аммо, биз бу гал актёрлар ҳақида бирор янгилик айтмоқчи эмасмиз, балки фильмда бош роллардан бирини "ўйнаган" буюм ҳақида хикоя қиламиз.



Ёдингизда бўлса, воқеалар ривожига кўра, асардаги зиддиятли вазиятлар кўпроқ аслзода хонимнинг бўйнига тақилган зангор олмос атрофида кечади. Бундай катта олмоснинг асл нухаси бўлмагани учун ўрнига бутунлай бошқа бир тош – танзанит қўлланилган. Тош кашфиётчилари танзанийлик овчилар ҳисобланишади. Улар ушбу тошни Климанжаро қияликлари-дан топишган. Танзанит тоши аввалига бир муддат кўк сапфир тошининг ўрнини босиб турган.



Бироқ саводли маркетинг буюкликлар яратди! Танзанит тошни бозорга чиқариш ишлари билан "Тиффани" фирмаси жиддий шуғуллана бошлади. Дастлаб, бу тошни "цоизит" (zoisite) деб номлашди. Аммо бу сўз талаффузи "Ўз жонига суиқасд" иборасини ҳам эслатиб юборар экан. Шунда "Тиффани" рекламачилари мамлакат шарафига "танзанит" номини ўйлаб топишди. Бу ном Африка этно-анъанасига ҳам мутаносиб эди. Тошнинг ранги эса Элизабет Тейлорнинг кўзларига қиёс-



ланганди. Дарвоқе, Элизабет хоним доимо "Тиффани" фирмасининг танзанитдан ясалган зеб-зийнатларини тақиб юрарди. Аммо тошга уни кино-малика тақиб юргани эмас, айнан "Титаник" даги тиштироки машхурлик келтирди.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

БАХТНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ, ДЕЙДИЛАР

— Алло, ассалому алайкум, "Оила ва жамият" газетасими?

— Худди шундай, эшитамиз.

— Исми Зебо, сизларга қизим масаласида мурожаат қилаяпман. Унинг исми **Нафиса** — 37 ёшда. Ҳали турмушга чиқмаган. Сабабини аниқ тушунтириб беришга ожизман. Менимча, ҳаммаси тақдирнинг иши. Албатта қизининг ўзига яраша хусни, одоби бор. Вақтида совчиларнинг қадами эшигимиздан узилмаган. Ушанда унинг раъйига қараб, розилик бермаганимиз учун пушаймонмиз. Опаси турмушга чиқиб кетган, уйланадиган укасиям бор. Ўзи жуда ҳаракатчан, меҳнатдан қочмайди. Рўзгор юмушларига пухта. Яхши ўқиган. Иккита хорижий тилда бемалол гаплаша олади. Касб-хунар коллежини тугатган. Кўп йиллардан бери дўконда ишлайди.

Бахтнинг кечи йўқ, дейдилар. Илкони бўлса 45 ёшгача бўлган, касб-хунари бор, рўзгорини бемалол тебратта оладиган, пойтахтда яшайдиган қувёв топилса, узатиш ниятидамиз.

ЗЕБО опа,
Тошкент шаҳри.

ЗУРРИЁДГА ЗОРМАН...

Севиб уйланганман. Хотиним ўзининг ажойиб хулқи, муомаласи билан ота-онам ва қариндошларимнинг кўнглига йўл топа олган. Уи ишларида ораста, жуда пазанда аёл эди. Аммо қисматни қарангки, беш йил бирга яшаб, фарзандли бўлолмадик.

Онам, ёшинг ўтаятпи, қайта уйлансанг, балки болали бўлиб кетарсан, деб қуюна бошлади. Менинг эса не-не озуниятлар билан бир ёстиққа бош қўйган инсондан ажралиб кетишим жуда оғир эди. Майли, бола асраб олсак ҳам розиман, дердим нуқул. Шифокорлар кўригидан бир неча маротаба ўтдик. "Умидсизликка тушманглар, насиб этса ҳали фарзандли бўлиб кетарсизлар",

дейишди. Хотиним ҳам сиқлавериб, эзилиб кетди. Қолаверса, онамнинг келинига алам устида айтган аччиқ-тизиқ гап-сўзларидан кейин у чидаб туролмади ва бир куни "Илтимос, ортиқ ашолмаймиш, менинг жавобимни беринг", деди. Мен эса кўнмадим. Аммо ҳар қанча қарши бўлсам-да, у уйига кетиб қолди. Шу орада олиб келгани борсам, "Сиз уйланинг, мени ҳам ота-онам бошқага узатишмоқчи, балки бахтимиз очилиб кетар" деди йиғлаб. Шундан



Бахтли бўлинг!

кейин бошқа йўл йўқлигини тушуниб, икки йилча аввал қонуний ажрашдик. Аёлим икки болали бир киши билан яшайпти. Менинг эса бошим қотган.

Ёшим 42 да. Маълумотим ўрта. Ҳайдовчиман. Уй-жойим бор. Оиламга қувонч олиб келувчи, кўнгли тоза, самимий аёлни излаяпман. Қайси вилоятдан бўлишининг фарқи йўқ. Бир нафар ёш фарзанди бўлса ҳам оталик қилишга тайёрман.

Йўлдош,
Самарқанд вилояти.

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИЛИК БЎЛАДИ!

— Ассалому алайкум, кириб келаётган янги йилларингиз билан табриклайман!

— Раҳмат, Дилфузахон, сизмисиз, хушхабарлар борми дейман, жуда хурсандсиз.

— Бўлмасам-чи, икки йилдан буён ўзимга муносиб инсонни излаб тополмай йурдим. Ҳатто таниш-билишларим ҳам газетадан энди тополмайсан, сўраб келаётганларга йўқ демагин, дейишганди. Кўпинча оиласи бузилган эркаклардан совчилар келишарди. Аммо мен, уйланмаган йигитга турмушга чиқаман, деб кутишдан қарчамадим. Ҳар кимнинг ўз орзуси бўлганидек, ёшим 30га етган бўлса-да, ниятим холис экан, газетангиз ёрдамида шундай инсонни топдим. Тўрт ўғилнинг кенжаси Умид ака ўзидан катта акалари уйланишини кутиб юраверган экан.

Ота-онаси учинчи ўғлини уйлалган, кенжасининг тўйини қилишга бироз қийналиб қолишган. Акалари ҳам ўз рўзгорларидан ортиб, унга ёрдам бера олишмаган. Умид ака ўзи ҳаракат қилиб, тўйга етарли пул магаргунча ёши анча катта бўлиб қолган экан. Сизлар унинг телефон рақамини берганингиздан кейин биринчи учрашувимиздаёқ кўнглимиз яқинлигини ҳис қилдик.

"Сизни учратибимиз учун ҳам тақдир мени синаб юрган экан-да" деб Умид ака ҳазиллашади. Тўйимиз насиб этса, "Обод турмуш" йиллида бўлади. Янги йилни ўз тенгимизни топиб, катта хурсандчилик билан қаршилаётганимиз учун сизлардан миннатдоримиз.

ДИЛФУЗА,
Қашқадарё вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нухаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нухасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Керакли масалликлар:

2 дона бедана, 300 гр. қйма, 6 дона бедана тухуми, 1 стакан сметана, 1 дона пиёз, 1 чўмич ўсимлик ёғи, таъбга кўра туз, зираворлар.

Бедана ювилиб, ҳамма жойига туз ва зираворлар сепилиб, сўнг яхшилаб сметана суртилади. Шу ҳолда 30 дақиқа маринадланади.

Пиёз майда қилиб тўғралиб, туз ва зираворлар сепилиб, қйма билан аралаштирилади. Тайёр қйма бедананинг ичига солинади. Қийманинг бир қисмини юмалоқлаб (фрикаделька) қайнатилган бедана тухуми билан биргаликда махсус чўпга сикланиб, қизиган ёғда икки тарафи қовуриб олинади. Устидан сметана қўйиб, паст оловда 1 соат давомида димланади. Пишгач, кўкатлар билан ликобчага сузилиб, дастурхонга тортилади.

Керакли масалликлар:

4 жуфт товук сони, 3-4 ош қошиқ соя қайласи, таъбга кўра майдаланган саримсоқ, туз ва зиравор.

Майдаланган саримсоқни гўшт бўлақларига суриб, духовка патнисига тери томонини юқорига қилиб териб чиқилади. Соя қайласига бироз сув аралаштириб, 1 чой қошиқдан ҳар бир оёқчага сепилади. Газ печининг 200 даража ҳароратида 50-60 дақиқача оёқчалар қизаргунча қадар қўйиб қўйилади.

Бу таомни озгина ўсимлик ёғи билан димланган гуруч ёки сомонча қилиб тўграб, пиширилган картошка, кўкатлар билан сузиб, байрам дастурхонига тортиш мумкин.

Керакли масалликлар:

1 кг. балик, 6 та помидор, 3 та пиёз, 2 ош қошиқдан лимон шарбати, ўсимлик ёғи, 2 чой қошиқ кашнич уруғи, 1 чимдим майдаланган аччиқ қалампир, ярим боғ петрушка, туз, мурч.

Балик бўлақларга бўлиниб, таъбга қараб лимон шарбати, туз ва мурч сепиб қўйилади. Пиёзни тўграб, ўсимлик ёғида 2 дақиқа қовурилади. Кейин унга тўғралган помидор, таъбга кўра майдаланган кашнич уруғи ва аччиқ қалампир солинади. Унинг устидан балик солиб, 5 дақиқага димланади. Петрушка майдалаб сепилиб, яна 20 дақиқа димланади.

Тайёр таомни ўсимлик ёғида димланган гуруч билан ҳам дастурхонга тортса бўлади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

■ Духовка патнисидаги ёғ доғлари кишининг таъбини хира қилади. Улардан қутулиш учун патнис иссиқлигида унга туз сепиб, қоғоз бўлга билан ишқалаб ташласангиз кифоя.

■ Кийимлардаги сиёҳ доғини кетказиш анча мушкуллигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо уни тозалашимиз шарт. Бундай буюмларни илқ сувда яхшилаб ювинг ва лимон шарбати ёки кислотаси қўшилган аралашмага 30 дақиқа ивितिб қўйинг. Шундан кейин уни сувга чайиб олсангиз, доғдан асар ҳам қолмайди.

■ Шиша идишларни аввал илқ сувда ювиб, сўнг совуқ сувда чайсангиз, у кўзни қамаштирар даражада ялтирайди.

■ Товуқ гўштини пиширишдан олдин унинг устига қалин қилиб қаймоқ суртсангиз, у тилларанг бўлиб пишади ва байрамонга кўринишга эга бўлади.

■ Винегрет тайёрлаётганингизда давлагини алоҳида салат ёғи билан аралаштириб олинг. Шунда у бошқа маҳсулотларни бўёб ташламайди.

■ Кийимлардаги нафталин ҳидини йўқотиш учун ханталдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қуруқ хантални бирор идишга солиб жавон ичига қўйинг.

■ Совутичида узок вақт туриб қолган хантални суюлтириш учун унга ярим чой қошиқ шакар сепинг. Сўнгра унга бир чой қошиқ сирка аралаштириб, идиш қоққонини зичлаб ёпиб, яхшилаб чайқанг. Қарабсизки, хушбўй ва мазали хантал тайёр.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ИЛОН ЙИЛИ: КИМГА ҚАНДАЙ КЕЛАДИ?

Шарқ файласуфлари илонни донишмандлик, хотиржамлик тимсоли сифатида тилга олишади. Мунажжимларнинг эътирофи этишчи, Илон йили ортиқча шов-шувларсиз, тинчлик-осойишталикда ўтиши кутилмоқда. Фан оламида дунёнинг келажигига ижобий таъсир кўрсатадиган улкан кашфиётлар ва янгиликлар бўлиши мумкин экан.

КҮЙ

21 март — 20 апрель

Бу буржда туғилганлар йил бошида-ноқ ҳар бир ишни пухта бажарса, шовқалоқлик ва кибрга берилмаса, уларнинг омади чопади. Ижодкор бурж вакиллари — санъаткорлар, дизайнерлар, рассомлар, музикачилар ва олимлар фаолиятида юксалиш кутилмоқда.

Йилнинг асосий даромадини қишга яқинлашганда қўлга киритади.

Елғизлар ўз жуфтани баҳор ва куз ойларида топиши мумкин экан.

БУЗОҚ

21 апрель — 21 май

Куч-қудратни намойиш этиш фурсати келди. Иш жойида фаоллик ва юқори мартабага кўтарилиши кузатилади. Йулида учрайдиган турли тўсиқларга қарамай, ушбу бурж вакиллари бу йил омад кутмоқда.

Кузга келиб "даромад ой"лари бошланади. Лекин харажатлар ҳам шунга яраша бўлади.

Елғизлар

22 май — 21 июнь

"Елғизлар" бирор ишни бошлашдан аввал, уни охиригача етказишлари амин бўлишлари керак.

Катта харидларни йилнинг иккинчи ярмида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу пайтга келиб, сеновлар ортада қолади ва иш ҳамда бизнесда ютуқларни қўлга қўйишлари мумкин. Баҳор ойларида ўзига ишончи мустаҳкамланади. Ёзда келажак учун нафли ва манфаатли ишлари кўпаяди. Йил сўнгида иш жойида мартабаси ортади.

Қисқичбақа

22 июнь — 22 июль

Тадбиркор бурж эгалари йил бошидан ўзига яхши ва фойдали ҳамкор топишлари, янги ва самарали бизнесни йўлга қўйишлари мумкин. Баҳор ойларида ўзига ишончи мустаҳкамланади. Ёзда келажак учун нафли ва манфаатли ишлари кўпаяди. Йил сўнгида иш жойида мартабаси ортади.

Енгил ютуқлар ҳақидаги ҳаёлларнинг ҳаммаси сароб. Қарз бераётганда "Қўлим билан бериб, оёғим билан олмасмикамман", деган ҳикматга амал қилиш фойдасиз бўлмайди.

Арслон

23 июль — 23 август

Бу йил унинг истақлари ва орзулари кутилмаганда жуда тез амалга оша бошлайди. Ўз ишига муккасидан кетган бурж вакиллари ўтаётган ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланади. Ҳар бир ишни шошмай, оқилона бажаради. Натихада ишида ҳам, шахсий ҳаётида ҳам ўзининг мустаҳкам ўрнини топади. Учраши мумкин бўлган тўсиқларни олдиндан ички бир сезги билан пайқаб, четлаб ўтишга муваффақ бўлади.

Бу йил улар учун жуда даромадли. Шунингдек, харажатлар ҳам кам бўлмайди.



СУВ ПАРИСИ

24 август — 22 сентябрь

"Сув париси"нинг иш фаолиятида ҳар тарафлама юксалиш даври бўлиши кутилмоқда. Ниҳоят ҳаётини ижобий тарафга ўзгартириш фурсати келганга ўхшайди. Фақат эскича қарашларидан, анъанавийликдан воз кечиб, ҳаётга янги назар солиши, ишига замонавий руҳ бериши керак. Йилнинг иккинчи ярми биринчисидан ҳам самаралироқ бўлади.

Кўп ишлагани сабабли пулдан қийналмайди. Тежамкорлиги туфайли анча-мунча жамғармага ҳам эга бўлади.

Елғиз "Сув париси" бу йил орзусидаги инсонни учратиши кутилмоқда.

ТАРОЗИ

23 сентябрь — 22 октябрь

Мухим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш даври бошланди. Ишдаги ва шахсий ҳаётдаги ютуқлар билан бирга турли сеновлар ва тўсиқлар ҳам учрайди.

Йил бошида бурж эгалари молиявий беқарорликни ҳис этишади. Харажатларнинг ортиб бораётганидан азият чекишади. Йилнинг иккинчи ярмида пул муаммоси анча барқарорлашади. Шундай бўлса-да тежамкорлик зиён қилмайди. Йил якунида улар сабр-тоқат билан қилган меҳнатлари самараси сифатида каттагина маблағни қўлга киритадилар.

ЧАЁН

23 октябрь — 21 ноябрь

Йил қизиқарли учрашувлар ва муҳим келишувларга бой бўлиши кутилмоқда. Бизнесини йўлга қўйиш учун ҳамкорлар топишда унчалик қийналмайдилар, чунки одам танлашни яхши биладилар, яхши-ёмонни бир қарашда ажрата оладилар.

Шартномалар ва келишувларда омади кулади. Фақат бир нарсани унутмас-

лик керак, бир марта алдаган одам, иккинчи марта бу ишни қилмаслигига қафолат йўқ.

Мунтазам даромад олиб турса-да, пул етишмовчилигидан қийналиши мумкин. Қилинган яхшилик беиз кетмайди. Бундай пайтда яқиндагина ундан яхшилик кўрган дўстлари ёрдам қўлини узатадилар.

Шахсий ҳаётда жиддий ришталар боғлашга унчалик ошқимайдилар. Бу нарса ишга ҳалақат беради, эркин жилавлади деб ҳисоблайдилар. Оилавий ҳаётда эса бурж вакиллари ўз умр йўлдошига ғамхўр бўлиши фойдали.

ЎҚОТАР

22 ноябрь — 21 декабрь

Улар ўқишга, ҳар тарафлама малака ва тажриба тўплашга эҳтиёж сезадилар. Ўз ҳаётини йўлга қўйишга, атрофдагиларга ҳам бажонидил ёрдам беришади. Ишсиз "ўқотарлар" баҳор ойларида ўзига анча даромадли иш топиши кутилмоқда.

Йилнинг иккинчи ярмида ниҳоят хотиржамлик даври бошланади. Елғиз бурж вакиллари баҳорнинг охири, кузнинг бошларида ўз жуфтани учратиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ

22 декабрь — 20 январь

Бу йил имкониятлар жуда кўп. Энг муҳими, ишларни тўғри режалаштириш керак. Тадбиркорликда "етти ўлчаб, бир кесиш"га одатланган бурж вакиллари йил омади кутади.

Молиявий жиҳатдан ҳам унчалик қийналмайди. Табиатидаги тежамкорлик, пулни ақл билан ишлата билиш фазилати унга ҳар доимидан кўра кўпроқ бу йил фойда келтиради.

Оилада уй-рўзгор муаммоларини ҳал этади. Турмуш ўртоғининг, яқинларининг мушкулани осон этади. Елғиз бурж вакиллари эса ўз жуфтани кутилмаганда учратади.

ҚОВҒА

21 январь — 19 февраль

Молиявий жиҳатдан ҳам омади қулган. Бу йил унга мерос ёки ишидан катта фойда келиши кутилмоқда. Қўйин вазиёларда дўстларга ёрдам бериш фойдасиз холи бўлмайди. Аммо дуч келган одамга ишонини ярамайди.

Баҳор ойларида узоқ кутилган романтик учрашув юз бериши мумкин.

БАЛИҚ

20 февраль — 20 март

Айниқса, ижодкор бурж вакиллари бу йил катта муваффақиятларга эришади. Ишсиз "балиқлар" эса ўзига тез ва осон иш топишади. Ишига пухта бўлса, мансаб поғоналаридан юқорига кўтарилиб, тадбиркорликда муҳим ютуқларга эришади.

Молиявий жиҳатдан унчалик қийинчилик сезилмайди. Ёз ойларида ва кузнинг охирида меҳнатлари самараси — мўмагина даромадини қўлга киритади.

Елғиз бурж вакиллари баҳор ва куз ойларида ўз муҳаббатини учратиши имконига эга.

Турмуш қурганларни эса йил давомида илиқ ва самимий муносабатлар кутмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида шахмат бўйича шахарлар жамоалари ўртасида жaxon чемпионати бошланди.

Чемпионатда Ватанимиз шарафини гроссмейстерларимиз — Марат Жумаев, Алексей Барсов, Сайдали Йўлдошев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Андрей Квондан иборат Тошкент шаҳри жамоаси ҳимоя қилмоқда. Жамоамиз "В" гуруҳида Саратов (Россия), Птуж (Словения) ва Ченнаи (Ҳиндистон) жамоалари билан куч синашмоқда.

Мусобақанинг дастлабки партиясида вакилларимиз Ченнаи жамоасини 3,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жамоамиз иккинчи партияда Птужга имкониятни бой берди.

Гуруҳда иккинчи ўринда бораётган Тошкент шаҳри жамоаси учинчи турда Саратов жамоасига қарши дونا суради. Гуруҳ босқичида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар плей-офф баҳсига йўлланма олади.

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ушбу бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

5 ёшдан 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасидаги комплекс машқлар бажариш баҳсида пойтахтлик Н.Сарсенбоева, А.Қодирова, андижонлик М.Ғаниев, М.Саидқулова ва фарғоналик Д.Мўминов каби спортчиларнинг иштироки ва маҳорати ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Яқкама-яқка беллашувларда пойтахтлик Б.Қаюмов, А.Хабиров, А.Пўлатов, Р.Умархўжаев, И.Ақбаров, Ф.Мавлонхўжаев, Б.Нурматов, О.Турғунов, Тошкент вилоятидан С.Махмудов, Ҳ.Тўрабоев, андижонлик О.Абдувалиев, А.Юсупов ва Жиззахлик Э.Хусанов ўз ёш ва вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

Интернет манбалари асосида Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Э Ў Л О Н !

Агзамов Файзулла Сайдақбарович номига Тошкент Давлат иқтисодий университетининг томонидан 1999 йилда берилган 217295-рақамли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси томонидан 2004 йил 30 июнь кунини берилган магистрлик дипломлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг Тошкент Давлат иқтисодий университети иқтисодшарҳ Кенгаши тавсиясига кўра 2006 йил 26 январда берилган 009153-рақамли иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси ҳақидаги дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳошимов Эркин Ботирович номига Юнусобод туманида жойлашган Тошкент радиотехника коллежи томонидан берилган 1853792-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2013 йил 9 январда чиқади.

Муассислар: Ўзбекистон Ҳотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва ошларнинг қўлиб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бошига топшириш вақти — 15.00. Босишга топширилди — 15.00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Нигора РАҲМОНОВА**
Саҳифаловчи — **Илхом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳилар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,**
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади — 6173. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz